2005 YIL 13 SENTYABR, SESHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 110 (6.947). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА:

Изланиш. Тажриба. Ташаббус. (3-саҳифада)



"Эшилиб, тўлғаниб инграниди куй..." (1,4-саҳифаларда)

Ўйин қайта ўтказилади (4-саҳифада)

## Куннинг муҳим воқеалари

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 сентябр куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг (ЕИ) Марказий Осиё бўйича махсус вакили Ян Кубишни қабул қилди.

● Мамлакатимизга ташриф буюрган Европа Иттифоқининг (ЕИ) Марказий Осиё бўйича махсус вакили Ян Кубиш раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

● Пойтахтимиздаги Тошкент теннис марказида бир ҳафта давом этган теннис бўйича Осиё чемпионати муваффақиятли якунланди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида Камолиддин Беҳзод таваллудининг 550 йиллигига бағишланган кўргазма очилди.

● Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида "Эврилиш" бадиий фотография кўргазмаси очилди. У Тошкент Фото уйи томонидан ташкил этилди.

● Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Фанлар академиясининг академик В.И.Романовский номидаги математика институти ҳамкорлигида операторлик алгебралари ва квант эҳтимоллар назариясининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Республика ўқувчилар саройида "Шаҳарлар экологияси мусаффо бўлсин" мавзуида жаҳон фотоижодкорлари асарлари кўргазмаси очилди.

● Андижон шаҳрида спортнинг автомодел тури бўйича Ўзбекистон кубоги ва биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

● Ёзёвон туманидаги Иштирхон қишлоғида янги иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи қад ростлади.

● Енгил атлетика бўйича Қорақалпоғистон биринчилиги ва Нукус шаҳар кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясида "Энг илғор китобхон оила" республика кўрик-танлови якунланди.

● "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.





*Хурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.*

*Избоскан туманидаги Абдусамад Тиллабоев номли ширкат хўжалигида пахта ҳосилдорлигини ошириш борасидаги изланишлар ўз самарасини беряпти. Бу ҳақда газетамизнинг 3-саҳифасида ўқийсиз.*

*Суратларда: хўжалик раҳбари А.Тиллабоев, пудратчи И.Раззоқов; илғор теримчи Ш.Зуҳриддинова.*

# Мавсум масъулияти

***Халқимиз таъбири билан айтганда, республикамиз пахтакорларининг жўжани санайдиган фурсати келди. Ернинг обитобида чигит қадаб, парваришини дўндирган деҳқонларимиз бугун юқори натижаларни кўзлаб туришибди. Хўш, далаларда ҳосилнинг чўғи қандай?***

Мутахассисларнинг айтишича, бу йил чигит қадалган 1473,7 минг гектар майдонда бўлиқ ҳосил етилди. Шу кунларда кўсаклардаги пахта пишиб, қийғос очиляпти. Миришкорлар йиғим-терим мавсуми олдидан сўнгги агротехник юмуш – дефолиация тадбирини ҳам тугаллай деб қолишди. Демак, эрта-индин ялпи пахта теримига киришилади. Дефолиацияни барвақт адо этган айрим илғор хўжаликларда аллақачон "оқ олтин" тарозига тушди.

Етиштирилган ҳосилнинг сифатли ва қисқа фурсатларда саранжомлаб олиниши кўп жиҳатдан мавсумга қай даражада тайёргарлик кўрилганлигига боғлиқ. Шу боис давлатимиз раҳбарияти томонидан бунга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Республика Президентининг "2005 йил ҳосили пахта хомашёсини ўз вақтида йиғиб-териб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори айни муддао бўлди. Унда мутасадди идора ва ташкилотлар зиммасидаги вазифалар аниқ кўрсатилиб, зарур топшириқлар берилган. Қарор ижроси, йиғим-теримга тайёргарлик ишлари юзасидан дастлаб "Ўзпахтасаноат" уюшмаси мутахассисларига мурожаат қилдик. Хўш, мавжуд қайта ишлаш корхоналарию, тайёрлов масканларининг бугунги ҳолати қандай? Мавсумга пухта ҳозирлик кўрилганми?

- Уюшма таркибидаги мавжуд 128 та пахта тозалаш корхонаси, уларга қарашли бўлган 475 та тайёрлов масканлари мавсумга тўлиқ тайёрлаб қўйилди, - дейди уюшма бошқарма бошлиғи Мухторжон Акбаров. - Тайёрлов масканларидаги 286 та қуритиш-тозалаш цехлари, 3003 та ПЛА-ХПП, 3070 та ТЛХ-18, КЛП-650 маркали қабул қилувчи-узатувчи мосламалар, 649 та ғарам бузгичлар, 1387 та нам ҳавони сўрғич

**БУГУННИНГ ГАПИ**

қурилмалари, 738 та автомобил тарозилари ҳамда 9871 та ғарам майдонлари қайта таъмирланди. Фақат бугина эмас, теримчиларга қулай шароит яратиш мақсадида хўжаликларга 1 миллиард сўмлик анжомлар, 1 миллилард 232 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 4,5 миллион дона фартук ажратиб берилди. Қисқаси бугун қайта ишловчилар мавсумга шай ҳолда.

Маълумки, ҳосилнинг бир қисми техника кучи ёрдамида йиғиб-териб олинади. Қарорда техникаларни мавсумга тахт қилиб, уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш хусусида ҳам алоҳида таъкидланган. Пахта териш машиналарининг бугунги аҳволи қай даражада?

"Ўзагромашсервис" уюшмаси мутахассисларининг айтишича, уюшма томонидан "Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг" кампанияси ҳамда АТ "Пахта банк" ҳамкорлигида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, тайёргарлик ишлари мазкур ҳужжат асосида олиб борилаётир. Бу йилги мавсумда жами 634 та юқори унумли "Кейс-2022" пахта териш машиналари иштирок этади. Улар асосан Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларига жалб этилган. Мазкур техникалар 6 сентябр ҳолатига кўра мавсумга тўлиқ тайёрлаб бўлинган. Бунинг учун туман МТПлари ҳамда "ЎзКейссервис" қўшма корхонаси томонидан 1292,8 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Бундан ташқари ҳосилни ташишда иштирок этадиган 31990 та транспорт тракторлари, 38702 та трактор тиркамалар, шунингдек 1877 та пахта юклагичлар ҳам мавсумга шайлаб қўйилди.

Бу йил қўлда ва машинада терилган пахта хомашёси учун ҳақ тўлаш 2004 йил ҳосилини йиғиб-териб олиш чоғидаги тариф ставкаларидан камида 15 фоиз ортиқ бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, қўлда терилган бир килограмм ўрта толали пахта учун 42, ингичка толали пахтага эса 45 сўмдан тўланиши белгиланди. Шунга мос равишда уруғлик пахта учун 45-50 сўмдан ҳақ тўланади. Теримчилар билан ҳисоб-китоб ишлари ҳар беш кунда амалга оширилади. Бу албатта мавсумнинг уюшқоқлик билан ўтишини таъминлайди.

Хуллас, деҳқоннинг заҳматли меҳнати эвазига етиштирилган "оқ олтин"ни исрофгарчиликларсиз, сифатли қилиб йиғиб-териб олишга астойдил тайёргарлик кўрилди. Дастлабки натижалар эса мавсумнинг кўнгилдагидек ўтишидан дарак бермоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Сени яхши кўраман, Ватан!

## Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз...

Бўлар миллат бир-бирини ботирим дер,
Ёғий қалқса қалқонликка қодирим дер,
Бир ёқадан бош чиқариб эл бўлади -
Бир бирини ерга урмай қадрин дер.
Сен ҳам ўзбек, мен ҳам ўзбек - ўзига бек,
Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, яшайлик тик!
Юртим деган мудроқларни уйғотади,
Ухлолмайди кўкрагида чўғ ётади,
Ғафлат босган ғофилларнинг гумроҳлиги -
Азоб берар тунлар қалбга тиғ ботади.
Сен ҳам ўзбек, мен ҳам ўзбек - ўзига бек,
Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, яшайлик тик!
Тўлиб тошди бу дунёнинг ғавғолари,
Чалғитмасин ёғийларнинг иғволари,
Худо билар болга қўшиб заҳар тутган
Ғанимнинг бор яна қандай нағмалари...
Сен ҳам ўзбек, мен ҳам ўзбек - ўзига бек,
Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, яшайлик тик!
Юртни сотган юз ўгирар Оллосидан,
Отасидан, Онасидан, имлосидан...
Бобонг хоки ётган сиқим тупроқ яхши,
Ўзга юртнинг марвариди, тиллосидан.
Сен ҳам ўзбек, мен ҳам ўзбек - ўзига бек,
Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, яшайлик тик!
Бу халқ дарё, саҳрони боғ, сайҳон этар,
Бу дунёни гулу жамбил, райҳон этар...
Шу жаннатни бир туп ниҳол ўтқазмаган -
Худо ургур, худосизлар пайҳон этар...
Сен ҳам ўзбек, мен ҳам ўзбек - ўзига бек,
Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, яшайлик тик!
Каломида тинчлик деган динимиз бор,
Дўстимиз кўп, қанча оға-инимиз бор,
Ер юзида ҳур яшашнинг ўзи ҳам бахт
Шукур дейлик шундай озод кунимиз бор.
Сен ҳам ўзбек, мен ҳам ўзбек - ўзига бек,
Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, яшайлик тик!
Қайғурмагин, юлдузга тош етмайди ҳеч,
Чўлпонлари зимистонда ётмайди ҳеч,
Юртим деган ўғлони бор Ўзбекюртнинг
Осмонида қуёши ҳам ботмайди ҳеч.
Сен ҳам ўзбек, мен ҳам ўзбек - ўзига бек,
Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, яшайлик тик!
Тоғни урса талқон қилар - бардам бари,
Она юртга қалқон бўлар ҳардам бари -
Ёшлари бор! Қўрғони бут, сарҳади берк –
Озод юртнинг қутлуғ бўлсин байрамлари!
Сен ҳам ўзбек, мен ҳам ўзбек - ўзига бек,
Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, яшайлик тик!

**Қўчқор НОРҚОБИЛ**

# Экологияга зарар етказувчи корхона

***Тожикистон алюминий заводининг атмосферага чиқараётган заҳарли чиқиндилари нафақат ушбу қўшни мамлакатнинг корхонага яқин жойлашган туманлари, балки Сурхондарё вилояти аҳолиси ва атроф-муҳитга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. «Экосан» экология ва саломатлик халқаро ташкилотида бўлиб ўтган учрашувда ана шу ҳақда сўз борди. Унда республикамиз экологлари, шифокорлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутахассислари иштирок этди.***

Олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, мазкур заводнинг ҳавога чиқараётган заҳарли чиқиндилари Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун ва Денов туманида мураккаб экологик вазиятни юзага келтирмоқда. Учрашувда бу аҳоли саломатлигига ўта салбий таъсир кўрсатаётгани ҳақида гапирилди. Завод чиқиндиларининг таъсир ҳудудида жойлашган туманларда эндокрин ва иммунитет тизимлари, қон ва қон ҳосил қилувчи органлар, ошқозон-ичак йўли, нафас олиш органлари, қон айланиш тизими касалликлари рўйхатга олинмоқда. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига ҳам сезиларли зарар етказилмоқда. Бунинг натижасида чорва моллари сони, анор ва узум етиштириладиган майдонлар анча камайиб кетди. Бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳам зарарланмоқда. Санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий тадқиқот институтининг маълумотларига қараганда, Сариосиё туманидан олинган тупроқ намуналарида фторли бирикмалар таркиби рухсат этиладиган даражадан 27 марта ортиқ. Шунингдек, аҳоли истеъмол қилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таркибида ҳам фторитлар кўрсаткичи анча юқори.

Учрашувда минтақада юзага келган ўта мураккаб вазият яқин вақт ичида янада ёмонлашиши мумкинлиги таъкидланди. Оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, Россиянинг «Русский алюминий» очиқ акционерлик жамияти билан Тожикистондаги алюминий заводининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш, яна битта шундай корхона барпо этиш тўғрисида меморандум имзоланган. Ушбу режалар амалга ошадиган бўлса, Тожикистонда алюминий ишлаб чиқариш 2004 йилга нисбатан икки баравар ошади ва йилига 700-800 минг тоннани ташкил этади. Бу эса, ўз навбатида, инсон ва атроф-муҳит учун зарарли фторли водород чиқиндиларининг кўпайишига олиб келиши мумкин.

**...Алюминий ишлаб чиқариш натижасида ҳавога чиқариладиган қўшимча заҳарли чиқиндилар бусиз ҳам анча заифлашган минтақа экотизими мувозанатини бузади. Бу эса атроф-муҳит, шу жумладан ўсимлик ва ҳайвонот олами учун фожиали оқибатларга олиб келиб, аҳоли саломатлигига таъсир қилади...**

Мутахассисларнинг фикрича, алюминий ишлаб чиқариш натижасида ҳавога чиқариладиган қўшимча заҳарли чиқиндилар бусиз ҳам анча заифлашган минтақа экотизими мувозанатини бузади. Бу эса атроф-муҳит, шу жумладан ўсимлик ва ҳайвонот олами учун фожиали оқибатларга олиб келиб, аҳоли саломатлигига таъсир қилади.

Тадбирда муаммони ҳал қилиш йўллари хусусида фикр алмашилди. Иштирокчилар бу борада янги алюминий заводи қурилишидан воз кечиш, заводда замонавий тозалаш технологияларини кенг жорий этиш, чиқиндилар таъсирини баҳолаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш каби қатор таклифларни билдирди. Шу билан бирга, учрашувда Сурхондарё вилояти ва Тожикистон ҳудудининг иқлим, географик ва метеорологик шароитлари ҳисобга олинган ҳолда, алюминий заводи учун атмосферага чиқинди чиқаришнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрий кўрсаткичларини кўриб чиқишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган эксперт гуруҳини ташкил этиш ҳам таклиф этилди.

Мазкур муаммони амалий муҳокама қилиш учун Турсунзода шаҳрида ҳар икки мамлакат ҳукумати ва табиатни муҳофаза қилиш хизматлари, шунингдек, «Русский алюминий» очиқ акционерлик жамияти ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида халқаро маслаҳат учрашувини ўтказиш таклиф этилди.

**А.ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Тинчлигимиз қадрига етайлик

***Ўзбекистоннинг чекка бир қишлоғида туғилиб вояга етдим. Мактабни тамомлаб, Тошкентдаги олий ўқув юртларидан бирида ўқидим ва ҳозирда пойтахтда иқтисодчи бўлиб ишлаб, яшамоқдаман.***

Кимдир шевамга, гапимга қараб мендан "Қаерликсиз?" деб сўраб қолишади. Шунда мен туғилган вилоятим, туманим ёки қишлоғимни айтмасдан, Ўзбекистон ягона Ватанлигини юракдан ҳис қилган ҳолда, "Ўзбекистонликман", дейман.

Менда аслида Ватанга бўлган муҳаббат уйимни, ота-онамни, ака-укамни, қариндош-уруғимни, қишлоғимни, туманимни, вилоятимни, юртимни севишимдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг ягона Ватанлигини ҳис қилдиради.

**ШУКРОНА**

Ўзбекистон бўйлаб жуда кўп хизмат сафарларида бўламан. Хизмат вазифамни бажаришим билан биргаликда, халқимизнинг урф-одатлари, анъаналарини кўраман. Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, яшаш шароитимизни яхшилаш, бева-бечораларнинг бошини силаш, фаровонлигимизни ошириш каби ягона мақсадлар сари ҳаракат қилинаётганлигини, у ҳудудимизнинг ривожи бу ҳудудимизнинг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқлигини кўриб, Ўзбекистон ягона Ватанлигини янада чуқурроқ идрок этаман.

Шу йил 3 сентябр куни Ўзбекистон ва Баҳрайн футбол жамоаларининг марказий "Пахтакор" ўйингоҳида бўлиб ўтган ўйинига кирдим. Аслида футболга қизиқмасдим. Бирга ишлайдиган йигитлар таклиф қилганликлари учун ноиложликдан тушгандим. Ўйинга тушгандан кейин хато қилмаганлигимни тушуниб етдим. Ўша ердаги футболнинг ҳақиқий шинавандаларини кўриб, ўзим ҳам бир пасда ҳақиқий футбол ишқибозига айланиб қолдим.

(Давоми 2-бетда)

**ҲУҚУҚ**

***Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга алоҳида аҳамият қаратилди. Суд Конституция ва бошқа қонунларда белгиланган ваколатлари доирасида мустақил ҳокимият сифатида шаклланди.***

Зеро, Президент Ислом Каримов Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида таъкидлаганидек, бу тарзда суднинг ролини ошириб бориш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараёнидир.

# Адолат мезони

Маълумки, халқимиз қадим-қадимдан ўз истиқболини қонун асосида белгилаб келган. Аммо яқин тарихимизга назар ташласак, шўро замони халқимиз табиатидаги ана шу фазилатга путур етказганининг гувоҳи бўламиз.

(Давоми 2-бетда)

# Лоқайдлик фожиаси

***...Зумрад опани 46 кун шифохонада даволашди. Оёққа турғазишнинг имкони бўлмади. Охир-оқибат шифокорлар "Иложсизмиз" дегандек бош чайқадилар. Аъзои бадани куйиб адои тамом бўлган аёлни яқинлари уйига олиб кетишди.***

Шўрлик аёл шипга тикилган кўйи ётаркан, ўлим дақиқалари яқинлашганини ҳис этди чоғи, ёнига синглисини чақиртирди. "Матлаб, - деди зўр-базўр шивирлаб. –Мени деб поччангга даъво қилиб юрманглар. Нима бўлса ҳам у болаларимнинг отаси. Фарзандларимга қарайди". Бу унинг васияти эди. Тонгда Когон туманидаги Ўртачўл қишлоғини аччиқ аза йиғиси тутди...

**ТААССУФ**

Ўшанда 2004 йилнинг охирлари эди. Шомурод одатдагидек кун ора уйга маст ҳолда қайтар, у ароқ ичиб келган пайтда хонадонда тинчлик бўлмасди. Бу ҳол бир кун, икки кун юз берса балки чидаш мумкиндир, аммо сурункасига давом этсачи? Ахир, Шомурод энди ёш йигит эмас, элликка киряпти. Уч ўғил уйланиб аллақачон уйли-жойли бўлган. Оғзидан бемаъни сўзлар чиққанини эшитган келинлари, қўни-қўшнилар нима деб ўйлашади? Тилим бор деб хотинни ҳақорат қилавериш керакми?

Ана шуларни ўйлаган Зумрад опа эрини инсофга чақирди. Эвазига эса яна ҳақорат эшитди. Жанжалдан эрининг ҳудабеҳуда низо чиқаришидан безиб аёл аразлаб ёши бир жойга бориб қолган онасиникига кетиб қолди.

Бир эмас уч келин туширган қайнонанинг шу қарорга келиши осон бўлмаган, албатта. Ахир, сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор. Аммо эшитган қулоққа ҳам яхши эмас. Келин аразлаб онасиникига кетиб қолса балки буни тушуниш мумкиндир.

(Давоми 2-бетда)

**ТАДБИРКОРЛИК**

***Ромитан туманидаги "Жайҳун" хусусий фирмаси яқинда ўтказилган мактаб мебеллари, ўқув лаборатория асбоб-ускунлари, спорт жиҳозлари вилоят тендирида илк марта иштирок этиб ғолиб чиқди.***

Унга кўра корхона Бухородаги мактаб ва бошқа ўқув

# "Жайҳун"га ҳавас қилишади

юртлари учун 21 миллион сўмлик, Навоий вилоятлари мактаблари учун 35 миллион сўмлик ўқув жиҳозларини етказиб бериш тўғрисида шартнома тузди.

Истиқлолнинг дастлабки йилида узоқни кўра оладиган тадбиркор Шавкат Бақоев мустақил ишлаш, ўз имкониятларини юзага чиқаришга аҳд қилганди.

(Давоми 3-бетда)

# Юлдузлар ҳиди

***Шеъриятнинг бош таомили – қаламнинг маънавий юксак талаблар хизматида бўлмоғидир.***

**НИГОҲ**

***Шоир вазифаси қандайдир илмий ютуқлар ёки бўлмаса ғоялар тарғиботчиси бўлиш эмас, балки биз бугун "умуминсоний қадриятлар" деб атайдиганимиз одамийликнинг барча қирраларини инжилолантирсон руҳиятида қилмоқ, сўз моқ, устувор санъати воситасида ҳар бир инсондаги кўнгил деб аталадиган бетимсол мулкнинг ҳақиқий эзгулик салтанати тарзида шаклланишига эришмоқдир.***

*Баҳор кунларида кузнинг ҳавоси,*
*Танимни жунжитар оқшомги шамол.*
*Нега бунча ғамгин найнинг навоси,*
*Нега қалбим тўла ўкинч ва малол.*
*Мағлуб баҳодирнинг найзаси мисол,*
*Маъюс эгилади терак учлари.*
*Барглар соясида ўйнайди хушҳол,*
*Уйқудаги қизнинг бедор тушлари.*
*Атрофимда ётар ғариб бир виқор...*

Ажабо!... На ғариблик ва на виқор атрофда ётадиган моддий бир нарсалар эмас. Бироқ шоир уларни бизнинг кўз олдимизда шууримизни жоду қилиб, моддийлаштиради.

Ёки мана бу мисрага эътибор қилинг:
*Эшилиб, тўлғаниб инграниди куй.*

(Давоми 4-бетда)

ХАЛҚ БАНКИ сизнинг оилангиз банки

BANK

| УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| БЕНЗИН (76) 394,9 ▼ - 5,3 | БЕНЗИН (91) 454,8 ▼ - 9,9 | ДИЗ.ТОПЛИВО 282,5 ▼ - 2,2 | МАЗУТ 68,7 ▼ - 8,3 | СЖ.ГАЗ 273,2 ▼ - 80,6 | МАСЛО ХЛОПК. 820,4 ▲ + 1,6 | САХАР 588,0 ▼ - 0,06 | МУКА выс.сорт 280,0 ▼ - 0,1 |

# Юлдузлар ҳиди

(Боши 1-бетда)

Куйининг ингранишига ишониш мумкин, бироқ эшилиб тўлғаниш бу, дейлик, арқонга хос эмасмиди? Куй қаёқдан эшилиб тўлғана қолди экан? Ақл бовар қилмайдигандек. Бироқ шоирнинг шоирлиги шундаки, бунга сизнинг ақлингизни бовар қилишга мажбур этади.

Ҳиссиз, барча инсоний туйғулардан маҳрум "Темир одам" ҳақида шоир шундай дейди:

*У ҳам юлдузларнинг ҳидини*
*билмас.*

Юлдузда ҳам ҳид бўладими?.. Бироқ уларнинг осмонда қулф урган чечаклардек сочилиб ётишини тасаввур қилсангиз, димоғингизга энди ана шу чечакларнинг ҳиди ҳам урила бошлайди. Яъни, яхши маънодаги ҳид билиш васвасаси юз беради.

Сезаётгандирсиз, юқоридаги мисолларнинг барчаси биз бугун ижоди ҳақида мухтасар сўз юритмоқчи бўлаётганимиз Абдулла Орипов шеърларидан келтирилган. Юқоридаги шоирона мўъжизалар бизларнинг ақлларимиз фаросатига эмас, балки туйғуларимиз фаросатига, яъни кўнгилларимизга мўлжалланиб ижод этилган. Абдулла Ориповнинг ҳар бир асл шоир каби сеҳргарлиги шунда.

Болаликнинг ўз имтиёзлари бўлади. Ишониш ана шу имтиёзлардан бири. Айтмоқчиманки, биз мактабда ўқиган шеърларимизга ишониб ўсдик. Уларнинг барчаси ҳам рост "гапирмаётган"лигини кечикиб, анча кечикиб англадик.

Биз замондош шоирлармиз меросидаги ноёб мисраларни адашиб, унниқиб ўзларимиз ўзларимизча кашф этганимиз. Танқид ва соғлом адабиётшунослик билан кейинроқ ошно бўла бошладик.

Мактабдаги сабоқларимиз аксар

*Яшна ватан, жон ватан,*
*Сенга фидо жон ва тан.*

каби муваффақиятли сўз ўйинларидангина иборат бўларди. Ҳамма шоир ҳам Ғафур Ғулом эмас эди, ҳамма шоир ҳам Асқад Мухтор эмас эди. Бизларнинг ташна юракларимизни эса бир нечтагина шоир қаноатлантира олмасди. Ва бирдан болалигимизнинг кўнгил майдонларига камзулини елкасига ташлаганча, Абдулла Орипов кириб келди.

*Юксак арғувоннинг учида ҳилол,*
*Пахмоқ булутларни этади нимта.*
*Қандайдир шоира куйлайди беҳол,*
*"Бу кеча кўнглим ҳам ойдай яримта..."*

Ва биз Абдулла Ориповга ишониб, ана шу шоирни, унинг кимлигини билмай туриб, севиб қолдик. Барча шоирларни севиб қола бошладик. Бу, чунки, устоз шоирнинг бизларга ўгити эди. Ва унинг ижодида ҳукм ўрнида жаранглайдиган бундай ўгитлар қанчадан-қанча.

Биз шеъриятдаги ватан мадҳидан безиллай бошлагандик. Ва бирдан Абдулла Орипов ҳайқирди:

Ватан! Менинг бор қисматим шу
бир сўзда ҳал!

Ва бизнинг ватанга муҳаббатимиз, шеъриятга муҳаббатимиз тақдирини ҳам ҳал қилди бу мисралар.

Мафкуравий ҳамду санолар ўқувчиларнинг қулоқларини батангга келтириб турган бир вақтда, Абдулла Орипов шеърият майдонига "Мен нечун севаман Ўзбекистонни" шеъри билан, шунингдек, мазкур шеърга монанд тароватли манзумалари билан дадил кириб келди.

"Мен нечун севаман Ўзбекистонни" шеъри ўша пайтлардаги ўқувчи тасаввурларига маҳкам ўрнашган маддоҳона тизмалардан, тўғрироғи, уларнинг аксариятидан тубдан тафовут қиларди. Бу шеър декларативликдан холи эди, бу шеърнинг ҳар бир ҳарфидан самимият, чинакам фарзандлик меҳри барқ уриб турарди. Абдулла Ориповнинг ватанга бўлган муҳаббатидаги муҳим жиҳати шундан иборат эдики, бу муҳаббатнинг моҳиятини, шоирнинг лирик қаҳрамони учун бу ватаннинг мазмунини "Москвадан то энг олис чеккаларгача" бўлган мубҳам квадрат километрлар эмас, балки муайян инсоннинг муайян халқи ташкил қиларди.



*Хўш, нечун севасан Ўзбекистонни,*
*Сабабини айтгин десалар менга,*
*Шоирона гўзал сўзлардан олдин*
*Мен таъзим қиламан она халқимга.*
*Халқим, тарих ҳукми сени агарда*
*Мангу музликларга элтган бўлсайди,*
*Музликларни макон этган бўлсайдинг,*
*Меҳрим бермасмидим ўша музларга?!*

Шоир ижодидан ватан ва ватандаги инсон мавзусининг миқёси тобора кенгайди, теранлашди ҳамда юксала борди. Шоирнинг шеърларидан шундай ҳикмат ойдинлаша бордики, биз энди ватандаги музликлар эмас, балки инсон руҳиятидаги музликлар, инсоннинг, агар бундай инсонни инсон дейиш мумкин бўлса, маънавиятдаги ўлик минтақалар шоирни кўпроқ изтиробга солаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Шоир маънан бундай ўлик кимсаларнинг иллатларини фош этиб кўрсатар экан, ўша пайтдаги шоирларимиз учун жасорат бўлган йўлни тутди. Яъни, кимгадир бармоғини бигиз қилиб, унга қараб инқилобий ўшқириқлар билан ўдағайламади, балки бундай мурдалик, ёхуд мазкур мурдаликнинг айрим аломатлари ҳар бир кишининг қалбида ҳам мавжуд бўлиши эҳтимолидан ўз ўқувчиларини огоҳ этди.

*Кимдир у? Кимдир у?*
*Балки у менман,*
*Балки у сиздирсиз, балки у бошқа.*

деб ёзди шоир "Темир одам" шеърида.

Модомики, халқи шоир учун ватан тимсоли экан, ана шу халқнинг жигаргўшаси бўлмиш лирик қаҳрамонининг кечинмалари, шунингдек, ана шу лирик қаҳрамон назарида бўлган одамларнинг руҳий дунёлари воситасида бутун бир халқнинг бир асрлик мобайнидаги қиёфаси сўз мўйқалами билан чизиб кўрсатилди. Ана шу маънода ҳам Абдулла Ориповнинг ижоди XX аср ўзбек халқи ҳаётининг ўзига хос поэтик қомусидир.

Ҳазрат Навоий бундан беш аср муқаддам:

*Не балодуркум, фалак ҳар кимга*
*чекса тийғи кийн,*
*Ёнғилиб, аввал менинг жонимға*
*бедод айлагай,*

деб ёзганди.

Абдулла Орипов ўз лирик қаҳрамони тимсолида ўз бошидан ижтимоий – сиёсий жиҳатдан мураккаб босқичларни кечираётган ўз она халқининг ҳар бир фарзанди тақдирини қайғура олганча қайғуради.Бу йўлда шоирнинг қалами, ҳеч бир муболағасиз, унинг бетимсол "Дорбоз" шеъридаги инсон янглиғ "Қиличнинг дамидай" таҳликали "арқон" устида ўз ғоясига содиқ ўлароқ, оғишмай юрди. Бу ғоя эса бугун биз дадил айтишимиз мумкинки, истиқлол ғояси эди. Шоирнинг маржон мисралари қайси бир мавзуга бағишланган бўлмасин, унинг тамал тошини ўша пайтлардаёқ, билвосита ўз халқини боқимсиз кўриш истаги ташкил қилар ва шоирнинг ҳар бир мисраси бу истакнинг амалга ошуви йўлидаги орзу-умидлар билан тўлиб тошган эди. Тўғри, Абдулла Ориповнинг ижодида бу оҳанглар дастлабки даврда бирмунча ғайри шуурий тарзда жаранглаб турди. Бироқ шеърдан – шеърга, китобдан – китобга бу орзу, бу умид тобора яққолроқ намоён бўла бордики, шоир шеъриятини биз учун ниҳоятда ноёблаштирадиган фазилатлардан бири, аниқроғи, асосий фазилатнинг ўзи ҳам ана шудир.

Абдулла Орипов ижодиёти теран тимсоллар шеъриятидир. Шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки, тимсоллар шоирнинг ҳам қилич, ҳам қалқонидир. Тимсоллар, ташбеҳлар, бошқа хилма хил бадиий воситаларни айрим китобхонлар ижодкорларимизга ҳурфикрлилик имконияти берилмаган вақтда, "эзоп тили" билан фикрлаш имконини берадиган ҳийла деб англайдилар. Бу фикрда жон борлигини инкор этмаган бир тарзда, шуни ҳам алоҳида таъкидлашни жоиз деб биламизки, бундай фикрлаш шеърни – шеър, шоирни – шоир қиладиган тафаккур жозибаси, поэтик мушоҳада кўркидир. Агар ана шу гўзалликдан маҳрум бўлса, ҳар қандай иқтидорли қалам ҳам синиб қолади.

*Қутлуғ бир саҳарда кўз очди булоқ,*
*Йўл солди дарёлар сари адашиб.*
*Унга раҳм этмоқчи одамлар шу чоқ,*
*Тоғу тошлар аро яқин йўл очиб.*
*Одамлар, тегмангиз, майли, тошсин у,*
*Майлига, тоғни ҳам кўрсин йўлида.*
*Қўйинг, ўз йўлини ўзи очсин у,*
*Завқланолсин у ҳам кураш сўнгида.*

Бу Абдулла Ориповнинг "Булоқ" деб номланган шеъридир. Шеър кўриб турганингиздек, бор-йўғи саккиз мисрадан иборат. Бироқ унда улкан бир китобнинг салмоғи бор. Нега десангиз, унда бутун бир халқнинг бутун бир тарихий давр жараёнидаги изланиш, ўз йўлини топиб, ўз манзилларига етиб олиш машаққати кичкина бир булоқ тимсолида таҳлил қилиб берилган.

Абдулла Орипов қаламига хос яна бир муҳим фазилат тинимсиз ҳақиқат изловчиликдир. Биз юқорида шоир меросини истиқлол ғоясининг ўзига хос таҳлилномаси деган хулосага келдик. Алалхусус, шоирнинг ватанни тараннум қилган шеърлари ҳақида фикр юргизиб, Ватан моҳиятини, шоир талқинича, халқ ташкил қилишини ҳам таъкидладик. Бу фикрга қайтаётганимизнинг боиси, шоир ижодида халқ ва оломон тушунчаларининг тубдан тафовутланишини алоҳида уқтиришдир. Шунинг учун ҳам Абдулла Орипов ўз шеърида инсонни улуғлар экан, у ўз вазифасини бутун бир халқни ташкил этадиган ҳар бир одамнинг руҳий кечинмаларига теран нигоҳ ташлаш, ундаги жараёнларни теран таҳлил қилиш орқали адо этади. Шунинг учун ҳам шоирнинг "Мен"и ҳар бир мисрада биз билан сирдош, ҳамдард, ҳамсафар, ҳаммаслакдир. Шоир шеърларида ҳар бир одамнинг ички ва ичкин кечинмалари қаламга олинар экан, у ўзини мутассил бемеъёрликдан тийиб ижод этади. У ҳар бир шеърида

*Баъзан ўзимизга меҳримиз жўшиб,*
*Бир четда қоларди замину замон.*
*Ўзида бўлмаган хислатни ўқиб*
*Уялиб юрарди шўрлик қаҳрамон.*

қабилидаги ҳодисалар адабиётимизда юз бермаслиги учун тинимсиз ижодий кураш олиб боради. Шу боисдан ҳам Абдулла Ориповнинг лирик қаҳрамони "Ўзи банди бўлган одам устидан ягона ҳоким бўлмоқни истайдиган" бўлишига қарамай, ўз севгилисини "Менинг юрагимнинг мажруҳ парчаси" деб ардоқлайдиган даражада ҳалол ва дардманддир. У гоҳ бутун бир Ер шарини "Қуванинг anoрича" кўриб ардоқласа, гоҳ ўзининг тор хонасини оламдан кенгроқ англаб яшайдиган дарвиш бир узлатнишин даражасидадир. Ушбу мақоладаги фикрларимиз, умуман, шоир ижоди ҳақидаги ўйларимизнинг бир қатраси эканлигини таъкидлаган ҳолда, бу қутлуғ мероснинг ақл ва юракларимиз учун ўзига хос маънавий узлат эканлигини қайд этмоқчимиз. Бу узлат мусаффолашиб олган маънавиятимизни яна ҳам ватанпарварроқ, яна ҳам одамийроқ бир тарзда камол топтиришдан бир лаҳза бўлсин тинмайди.

**Матназар АБДУЛҲАКИМ,**
**Хоразм Маъмун академиясининг катта илмий ходими.**




## Осиё Футбол Конфедерацияси қарори

***Марокашда ўтказилган Осиё Футбол Конфедерация конгрессида Ўзбекистон терма жамоасининг Баҳрайнга қарши учрашувда қўлга киритган натижаси бекор қилинганлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилди.***

Ўзбекистон Футбол федерацияси раҳбарлари сўнгги умидни айнан яна шу конгрессдан кутишганди. ОФК раҳбари Муҳаммад Бен Наммам Ўзбекистон терма жамоаси ФИФА қарори қурбони бўлганлигини алоҳида айтиб ўтган. "Япониялик ҳакам Тошимитсу Йошида жуда қўпол хатога йўл қўйди. Ўзбекистон аввалига пенальтини бажариш имкониятидан маҳрум бўлди. Кейин эса ФИФА учрашувни такроран ўтказилиши ҳақида қарор чиқарди. Йошида ОФКнинг обрўли ҳакамлар рўйхатидан ўчириб ташланди. У ОФК ва ФИФА ўйинларини маълум бир вақтгача бошқариш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди", дейди Бен Наммам.

Шунингдек, ОФК раҳбари ЎзФФ раҳбарияти ФИФАга ёзган шикоятномасининг қондирилишига ишонмаганлигига эътиборни қаратиб, жумладан шундай деди: "ЎзФФ 3:0 ҳисобида техник ғалабани сўрашди. Бироқ бу ФИФА регламентига зид. ФИФА қарори маълум бўлгач эса ЎзФФ ўйинни 38-дақиқасидаги пенальти белгиланган вазиятдан бошланишини талаб қилишди..."

Олдинроқ ФИФА президенти Йозеф Блаттер: "Қарор ФИФА ижроқўми аъзолари томонидан ратификация қилингани ва бу ҳақда Ўзбекистон тарафи огоҳлантирилганлигини" айтиб ўтганди. Нима бўлганда ҳам учрашув такроран ўтказилади.

## Ким Клейстерс – чемпион

***Бельгиялик таниқли ракетка устаси Ким Клейстерс АҚШ очиқ чемпионати яккалик баҳсларида чемпионликни қўлга киритди.***

Финалда француз Мари Пирсга қарши кортга чиққан Клейстерс рақибини осонлик билан – 6:3, 6:1 ҳисобларида доғда қолдирди. Ушбу ғалабаси учун у 2,2 миллион АҚШ доллари миқдорида мукофотни қўлга киритди.

"US Open – 2005" ғолиблигига қадар Клейстерс тўрт бор "Катта шлем" туркумидаги мусобақалар финалига йўл олган ва барчасида мағлубиятга учраганди. Шунингдек, у профессионал аёллар тенниси тарихида биринчи бўлиб бирорта ҳам "Катта шлем" мусобақасида ғолибликни қўлга киритмай, дунёнинг биринчи ракеткаси сифатида тан олинганди.



Эслатиб ўтамиз, ярим финалда Ким россиялик Мария Шараповани мағлубиятга учратганди.

## Ортда қолдирди

***Финландиялик таниқли пойгачи Кими Райкконен "Формула-1"нинг Бельгия гран-присида марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди.***

У маррага умумий рўйхатда етакчилик қилаётган Фернанда Алонсадан 30-сония олдин етиб кела олди.

Бельгияда учинчи ўринни эса Женсон Баттон (BAR) қўлга киритди. Ушбу пойга давомида италиялик пойгачи Жанкарло Физикелли (Renault) трассадан чиқиб кетди. Лекин спортчи жароҳат олмади. Етти карра чемпион Михаэл Шумахер ҳам BAR пойгачиси Такума Сато билан тўқнашиб, мусобақани муддатидан аввал якунлади.



"Формула-1"нинг ушбу мавсумдаги чемпионлиги якунланиши учун бор-йўғи уч босқич қолди. Чемпионликка эришиш учун испаниялик Фернандо Алонса жуда яхши имконият ҳосил қилган. Агар у уч Гран-придан биттасида ғалаба қозонса ҳам чемпионликни қўлга киритади.

## Йил спортчилари



***Шанба куни Монте-Карлода спортнинг енгил атлетика тури бўйича йил спортчилари номи эълон қилинди.***

Аёллар ўртасида бу номга россиялик 23 ёшли Елена Исинбаева сазовор бўлди. У "Йилнинг энг яхши енгил атлетикачиси" сифатида кетма-кет иккинчи бор тан олиниши.

Хельсинкида у таяниб сакраш бўйича жаҳон чемпионлигини қўлга киритганди. Ҳозирда Елена томонидан ўрнатилган рекорд натижа 5 метр-у 1 сантиметрни ташкил қилиб турибди.

Эркак спортчилардан эса эфиопиялик Кенесисе Бекеле "Йилнинг энг яхши енгил атлетикачиси" деб топилди. У Хельсинкида 10 минг метрлик масофага югуриш бўйича ғолибликни қўлга киритиш билан бирга янги рекорд ўрнатганди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**



Юрт жамоли

Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа.

## Об - ҳаво

***Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 13 сентябр куни Тошкентда ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14-16, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади.***

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14-19, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади. Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 17-22, кундузи 32-37 даража иссиқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳаво бироз булутли бўлади, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 14-19, кундузи 29-34 даража иссиқ бўлади.

## Дил суянчиғи

ОҚИБАТ

***Ёш пайтларимиз эди. Ҳолидан хабар олгани келган акасини кўриши билан қўшнимиз Рисолат холанинг кўзи намланаверарди.***

–Рисолат хола, нега йиғлайверасиз? – деб сўрасак,

–Йиғламай бўладими. Эшигимдан акам кириб келаётса, худди бир томонда раҳматли отам, у томонида онам келаётгандай бўлади, - дерди.

Кейинроқ тушунсам, қўшни аянинг акаси ташрифидан ўтган ота-оналари тирилиб келгандай кўнгли тоғдек кўтариларкан.

Яқинда ака-укалар биргалашиб бизлардан олисроқда яшайдиган опамни кўргани бордик. Опам бизларни қўйгани жой тополмай қолди.

Кўзлари тўла ёш:

–Раҳматли дадам ўтганидан кейин ўринларига қолган суянчиқларим, - дерди.

Мен-чи, кўп йиллар бўлибдики, бирор марта опамни йўқламабман.

Баъзида таъзия маросимларида "Меҳрибоним, синглимдан ажралиб қолдим" дея юз-кўзларини юмдалаб йиғлаётган кишиларни кўрамиз. Эҳтимол бундайларга йиллар ўтиб бирор марта синглисини йўқлолмаганлиги армон бўлиб қолгандир.

Яратган ҳам қайси бир опангиз ёки синглингизга ота-оналарингизнинг феъл-атворларини муҳрлаган бўлади. Уларни зиёрат қилсак, ота-оналаримиз руҳларини ҳам шод, опа-синглимизнинг кўнглини обод қилган бўламиз. Шунда ўзингиз ҳам опажонингизни кўргингиз келганини ҳис қиласиз, руҳан енгиллашиб кетасиз.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**

"Қишлоқ ҳаёти" газетаси ижодий жамоаси Ўзбекистон халқ шоири

**Тўра СУЛАЙМОН**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎҚИДИНГИЗМИ?

## "Йиллар ва тақдирлар"

***Яхши инсонлар ҳаёти, умр ҳикматлари ҳамиша бошқаларга ибрат бўлиб келган.***

Эл-юрт учун доимо фидойилик қила билган, юрагида улуғ аждодларига муносиб шижоат билан яшаган, бугун дориламон кунлар шукронасида кексалик гаштини сураётган отахону онахонларимиз меҳр ардоғимизда. Уларнинг жасорати, эзгулик, ватанпарварликка йўғрилган ҳаёти неча-неча китоб бўлгулик.




Яқинда Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий кенгаши томонидан тайёрланган "Йиллар ва тақдирлар" китоби нашр этилди. Унда икки аср билан юзлашган, иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида, уруш орти меҳнат жабҳаларида жасорат кўрсатган, қийинчиликларни матонат билан енгиб, доимо фидокорона меҳнат қилган, ҳозирда иззат-икром кўриб яшаётган нуроний инсонлар ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу мажмуага кирган очерклар, бадиаларни ўқиб уларнинг қаҳрамонлари – ажойиб замондошларимиз билан яқинроқ танишасиз, дилингизда Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғулари янада ортади.

**Д.МАТКАРИМОВА**

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий ўзгартириш ва фермер хўжаликларини ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси Абдумухтор Эргашевга падари бузруквори

**Эргаш МУСТОФОҚУЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


"AVTOTRAK"® илмий-ишлаб чиқариш маркази

Россиядаги АМО ЗИЛ ва "Турботехника" бирлашмаларининг вакили.

Қуйидаги таъмирланган техника ва эҳтиёт қисмларни СОТАДИ:

КС-2561Е (ЗИЛ-130) русумли дизел ўрнатилган АВТОКРАН;

Автомобилларга мослаштирилган МТЗ дизеллари ва блок-кожухлари «центровкаланган»; ЗИЛ-130 мотори; ЗИЛ-4331 распилителлари; "ИКАРУС" плунжерлари;

"Алтай", "Авиа", "Камминз", ЮМЗларнинг валлари, блоклари...

Ҳар хил турбокомпрессорлар ҳам жиҳозланади ва сотилади






Автомобилларга дизел двигателларини ўрнатишга давлат патентларига эга ва тегишли буюртмалар қабул қилади.

Манзил: Тошкент, Аэродромная кўчаси, 5-уй
(Мўлжал: ТЭА, 6-Қорасув; № № 21; 49 автобуслар)
Тел.: 159-48-00, 123-65-43

ПРОДАЖА АВТОМОБИЛЕЙ "ГАЗ"



ГАЗ-2705, ГАЗ-2705-КОМБИ, ГАЗ-3221, ГАЗ-3302, ГАЗ-33023, ГАЗ-3102, ГАЗ-31105, ГАЗ-3307(09)

ГРУЗОВЫЕ, ГРУЗОПАССАЖИРСКИЕ, ПАССАЖИРСКИЕ - Цельнометаллические и бортовые с тентом. ЛЕГКОВЫЕ, СПЕЦ АВТОМОБИЛИ: ПРОМТОВАРНЫЕ, ИЗОМЕТРИЧЕСКИЕ, ХЛЕБОВОЗ, МУСОРОВОЗ, ПЕРЕВОЗКА ГАЗБОЛОНОВ, ЭВАКУАТОРЫ, СКОРАЯ ПОМОЩЬ и другие на базе ГАЗЕЛЬ, ГАЗ-3307(09)

г. Ташкент, тел/факс 168 0961. E-mail: prima74@mail.ru



Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Озод ШАРОФИДДИНОВ, Ағитай АДИЛОВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. ⓗ -тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Навбатчи:** Қ.НОРҚОБИЛОВ **Саҳифаловчилар:** Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ **Мусаҳҳиҳ:** М. БЕКИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2003 йил 20 ноябрда № 050 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Буюртма Г-719 , ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00 Адади -9709

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5